

Аллоҳ сендан азиз



07:10 / 22.08.2019 1839

Қози Шурайхнинг ўғли отасига: «Бир гуруҳ билан тортишиб қолдим. Қаранг-чи, агар улар ҳақ бўлса, тортишмайман. Ноҳақ бўлса, тортишаман» деб, бўлган воқеани айтиб берди. Қози: «Даъво қилавер», деди. Ўғил бориб, улар билан хусуматлашди. Қози Шурайх ўғлининг зиддига ҳукм чиқарди. Ўғли уйига қайтгач, отасига: «Сиздан маслаҳат сўрамаганимда, сизни маломат қилмасдим. Лекин мени шарманда қилдингиз-ку?!» деди. Шурайх: «Ўғлим, сен мен учун дунёдаги ҳамма нарсадан азизсан. Лекин Аллоҳ таоло сендан ҳам азиз. Сенга ҳукми олдиндан айтсам, улар билан келишиб, бировнинг ҳаққини еб кетишингдан қўрқдим, болам», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан